

O'tkazilgan muzokaralar davomida xitoylik tadbirkorlar tomonidan tumanda qishloq xo'jaligi sohasida tomchilatib va yomg'irlatib sug'orish tizimini yo'lga qo'yish maqsadida mazkur texnologiyalarni bevosita tumanda ishlab chiqarishni tashkil etish masalalari muhokama etildi.

# СИЗ БОРСИЗКИ, HAYOTIMIZ NURAFSHON

Yurtimizda Vatan himoyachisi kabi ulug'vor ishga o'zini bag'ishlagan harbiylarimiz katta hurmat va e'zoz bilan qadrlanib, har yili "14-yanvar" katta bayram va shodiyona bilan o'tkaziladi.

Albatta, vatanni himoya qilish bilan hisoblanadi. Bu burchni ado etishda yurtimizning himoyachilari bo'lgan milliy armiyamiz va barcha huquqni muhofaza qiluvchi organlari tomonidan xalqimizning tinch va osoyishta hayotini ta'minlashda olib borayotgan xizmatini munosib baholash hamda ularga zarur shart-sharoit yaratish masalalari ham davlatimiz siyosatining muhim yo'nalishlaridan hisoblanadi.

Bu kabi e'tibor va e'tirof mas'uliyatli kasb egalari Vatan oldidagi xizmatlarini yuqori baholanishini namoyon etib, ularning kelgusidagi faoliyatiga ham kuch-quvvat, shijoat va albatta sadoqat bag'ishlaydi.

1992-yil 14-yanvar kuni mustaqil davlatimiz tarixida yana bir muhim tadbirga qo'l urildi. Respublika Oliy Kengashining "O'zbekiston Respublikasi hududida joylashgan harbiy qismlar va harbiy o'quv muassasalari to'g'risida"gi qarori bilan mamlakatimiz hududidagi barcha harbiy tuzilmalar mustaqil O'zbekiston tasarrufiga o'tkazildi. Davlatimiz rahbari tashabbusiga asosan qabul qilingan mazkur hujjat armiyamizni isloh qilishning uzoq muddatli dasturi ishlab chiqilishiga yo'l ochdi. 1993-yilning 29-dekabrda 14-yanvar yurtimizda "Vatan himoyachilari kuni" deb e'lon qilindi.

Bugungi kunda dunyoning turli joylarida keskin tus olayotgan vaziyatda, xalqaro terrorizm, ekstremizm va radikalizm xavf-xatarlari barchamizni ogoh bo'lishga chaqiradi va Qurolli



kuchlarimizdan esa yuqori darajadagi jangovor qobiliyatni mustahkamlashni talab etadi. So'nggi yillarda davlatimizda harbiy-siyosiy masalalarda ham tubdan islohatlar amalga oshirilib, milliy armiyamiz har qanday tahdidlarga munosib zarba beradigan jangovor qudrati yildan-yilga oshib bormoqda.

Harbiy o'quv yurtlarimizdagi ta'lim tizimi tubdan o'zgarmoqda, ularda bo'lg'usi ofeserlarni tayyorlash va tarbiyalash hozirgi zamon talablariga mos keladigan, prinsipial jihatdan mutlaqo yangi bo'lgan o'quv-texnika va ma'naviy-axloqiy asosda yo'lga qo'yilgan. Armiya saflariga, avvalambor, mustaqil va suveren O'zbekistonimizga xizmat qilish, uning

manfaatlari va sarhadlarini, xalqimizning tinch va osuda hayotini himoya etishga azmu qaror qilgan mard va fidoyi, intellektual jihatdan tarbiya topgan yetuk kadrlar keladi.

O'tgan davr mobaynida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohatlar tufayli yurtimiz xavfsizligini, sarhadlarimiz daxlsizligini ishonchli himoya qilishga, aholimizning tinch va osuda hayotiga qarshi qaratilgan har qanday g'arazli urinishlarning oldini olishga qodir bo'lgan, ixcham, tezkor, tashkiliy jihatdan mukammal, zamonaviy qurol-yarog' va harbiy texnika bilan ta'minlangan milliy armiyamiz shakllanirildi.

Bundan tashqari har bir harbiy xizmatchining bilimi, malakasi hamda ruhiy tayyorgarligi oshirilib borilmoqda. Ularning oilalariga munosib sharoitlar yaratish maqsadida imtiyozli kreditlar asosida ko'p qavatli uylar, farzandlarini oily ta'lim muassasalariga davlat granti asosida o'qishga qabul qilish, harbiy shaharchalarni obod qilish hamda zamonaviy infratuzilma barpo etish kabi masalalarga alohida e'tibor qaratilmoqda.

14-yanvar kunini mamlakatimizda faqatgina harbiylarimiznigina emas, balki barcha yurtdoshlarimiz ham tinchlik va osoyishtalik bayrami kuni sifatida keng nishonlashadi. Muxtasar qilib aytganda, tinchlik bor joyga bayramlar yarashadi, shuning uchun jannatmakon diyorumizda ushbu tinchlikni ta'minlab kelayotgan harbiy xizmatchilarimiz nomini yana bir bor e'tirof etamiz. Ularga sihat-salomatlik, oilaviy baxt va albatta mas'uliyatli xizmatlarida kuch-quvvat tilab qolamiz.

Baxtigit ASROROVA.

## Yangi hayot uchun, yangi O'zbekiston uchun!

## MA'NAVİY-MA'RIFIY TADBIRLAR O'TKAZILDI

Shu kunlarda mamlakatimiz bo'ylab joylarda "Yangi hayot uchun, Yangi O'zbekiston uchun!" shiori ostida "Mahallada duv-duv gap" tadbirlari o'tkazilmoqda. Tumanimizda ham bu kabi tadbirlar barcha mahallalarda birin-ketin o'tkazilib borilmoqda.

Jumladan, Boshdaxon mahallasida o'tgan tadbirda 2-sektor rahbari tuman prokurori A.Vaxabov, tegishli mas'ullar hamda imom-xatiblar, erkin ijodkorlar ishtirok etishdi.

Tadbirlardan ko'zlangan maqsad - Yangi O'zbekistonni bunyod etish yo'lida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar hamda erishilayotgan yutuqlarni xalqimizga aniq hayotiy misollar va dalillar orqali sodda va tushunarli shakllarda yetkazish, aholining kayfiyatini ko'tarish va daxldorligini oshirishdan iborat.



Madaniy-ma'rifiy tadbirlarda ijodkorlar va o'quvchi-yoshlarning badiiy chiqishlari davraga o'zgacha shukuh bag'ishladi.

Shuningdek, 1-sektor hududi Oqdaryo mahallasida joylashgan 2-son kasb-hunar maktabi binosi faollar zalida, 3-sektor hududi Sug'onchi mahallasida joylashgan 6-umumta'lim maktabida, tuman 2-sektor hududi Po'latdaxon mahallasida joylashgan 25-umumta'lim maktabi faollar zalida "Yangi hayot uchun, yangi O'zbekiston uchun!" shiori ostida "Mahallada duv-duv gap" ma'naviy-ma'rifiy tadbirlari tashkil qilindi.

Keng jamoatchilik vakillari ishtirokida o'tkazilgan mazkur tadbirlarda mahalla hamda maktab faollari va nuroniylar so'zga chiqib, yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar haqida fuqarolarning xabardorligini oshirish, insonlardagi ijtimoiy mas'uliyatni kuchaytirish, fuqarolarni islohotlarga safarbar etish, bunyodkorlikka chorlash hamda aholi ruhiyatini ko'tarish borasida amalga oshirilishi zarur bo'lgan ishlar to'g'risida hayotiy misollar bilan o'z fikrlarini bildirib o'tishdi.

Tuman hokimligi axborot xizmati.

## ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде спортнинг эркин кураш тури бўйича туман биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 2011-2013 йилларда туғилган 100 нафарга яқин болалар ва ўсмирлар 10 та вазн тоифасида фолиблук учун ўзаро куч синатишди. Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақалар якунига кўра 23-умумтаълим мактабининг ўқувчилари умумжамоа ҳисобида биринчилиқни қўлга қиритишди.

Фолиблар орасида Шаҳриёр Аслиддинов, Бехруз Даминов, Бунёд Махмудов, Азизбек Аловудинов, Озод Абдумуродовлар барча рақибларидан устун келишди. Шунингдек, 18,46,26,35-умумтаълим мактабларидан иштирок этган ёш спортчилар ҳам фолиб ва совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди. Мазкур туман биринчилигининг намунали ва қизиқарли ўтишида спорт мактабининг мураббийлари Солихон Юсупов, Равшан Абдугаппаров, Элёр Ҳақбердиев, Озод ва Жўрабек Бозоровларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бир сўз билан айтганда, ташкил этилган мусобақа барчада катта қизиқиш ва бир олам таассурот қолдирди.

С.ИБРАГИМОВ



## VATAN HIMOYACHILARI KUNI NISHONLANDI



14-yanvar - Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan tuman maktabgacha va maktab ta'limi bo'limiga qarashli 4-MTTda bayram tadbiri bo'lib o'tdi.


Bayram tadbiriga tuman Mudofaa ishlari bo'limidan bir guruh mehmonlar taklif etildilar. Ushbu tadbirda maktabgacha ta'lim tashkilotining tayyorlov guruhi bolajonlari o'zlarining ona-Vatan, tinchligimiz posbonlari bo'lgan hayrbiylarimizga bag'ishlangan she'r va o'q shiqlari hamda jozibali raqslari bilan ishtirok etishib, barchaning ko'nglini xushnud etishdi. Ayniqsa, bolajonlar tomonidan sahnalashtirilgan hayrbiylikka qabul qilish qasamyodi diqqatga sazovor bo'ldi. Bolajonlarning ushbu bayramona chiqishlaridan tadbir ishtirokchilari ham mamnun bo'lishdi.

O'rni kelganda alohida ta'kidlash joizki, maktabgacha ta'lim tashkilotida Vatan himoyachilariga bag'ishlab o'tkazilgan tadbirning bayramona nishonlanishi va ushbu tadbirda tumanimiz harbiylarining ishtirok etishi bolajonlarimiz hayotida ham o'chmas iz qoldirishi tabiiy. Shuningdek, bu kabi tadbirlarning o'tkazilishi bolajonlarimizning ona-Vatanga bo'lgan mehr-muhabbatini yanada oshirishda muhim omil bo'lib xizmat qilishiga ishonchimiz komil.

Shahnoza Do'sxo'jayeva, 4-MTT tarbiyachisi.

### Sport

## ERKIN KURASH BO'YICHA MUSOBAQA



Yaqinda tuman sport maktabida sportning Erkin kurash turi bo'yicha "Qish ertagi" shiori ostida 2011-2012 hamda 2013-2014-yillarda tug'ilgan o'smirlar o'rtasida "Oqdaryo tuman birinchiligi" musobaqasi o'tkazildi. Musobaqa g'olib va sovrindorlari munosib taqdirlanishdi.

## ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Рахимкулова Абеда Тошназаровнага (2022 йил 22 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

\*\*\*

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Расулов Хамид Мавлоновичга (2022 йил 28 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

\*\*\*

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Ахмедова Усмийига (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Манзил: Лойиш шаҳарчаси, Амир Темуր кўчаси.

Аҳолини рўйхатга олиш доирасида шахсларнинг иқтисодий хусусиятларига оид статистик маълумотларни тўплаш зарура-ти кўплаб сабабларга боғлиқ. Мамлакат иқтисодий тўзимасининг кенг қамровли суръатини, шунингдек, иш режимларини тузиш, меҳнат бозориде иштирок этиш ва мамлакат аҳолисининг меҳнатидан кам фой-даланиш тизимини яратиш учун шахслар-нинг самарали фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳимдир. Ушбу маълумот бошқа шахслар томонидан берилган маълумотлар билан биргаликда, аҳолини

сўровларида, айнан ишчи кучи тадқиқот-лари умуммиллий даражада ва кенг мин-такавий даражадаги гуруҳларни аҳолининг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича кенг кўламли статистик маълумотларни ишлаб чиқиш учун жуда мос келади. Лекин, ишчи кучини ўрганиш кузатувлари доирасида олинган маълумотлар табиийки хатоларга мойил бўлади, шунинг учун камдан-кам ҳол-ларда, кичик туманлар иқтисодиётига ёки тармоқларни гуруҳлаш борасида ишончли баҳо беришга имкон беради.

Аҳолининг иқтисодий хусусиятларига

## АХОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

рўйхатга олиш доирасида йиғилган уй ҳўжа-ликлари ва уй-жойлар, шахслар ва уй ҳўжа-ликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи-ни баҳолашга имкон беради. Бу эса, иш ўринларини яратиш, камбағалликни камай-тириш, иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги му-носабатлар, касб-ҳунар таълими ва ўқитиш, ижтимоий таъминот йўналишлари ва бошқа ижтимоий нафақалар бўйича имтиёзлар бе-риш, гендер тенглик ва ижтимоий инклю-зивлик, фуқаролар иштироки ва бошқалар билан боғлиқ.

Бундай статистикани бошқа манбалар-дан олиш мумкин, масалан, ишчи кучини ўрганиш бўйича уй ҳўжаликларига асослан-ган кузатувлар ва маъмурий манбалардан, аммо, бу бошқа манбалар билан муайян чек-ловларга олиб келмоқда. Уй ҳўжаликлари

тегишли статистикани ишлаб чиқиш бўйи-ча халқаро резолюциялар ва кўрсатмалар халқаро меҳнат статистикаси конферен-цияси томонидан қабул қилинади ва хал-қаро меҳнат ташкилоти бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

Аҳолининг иқтисодий хусусиятларини ўлчас меҳнат статистикасининг концептуал ўзагига асосланган. Ушбу асослар доира-сида меҳнат фаолиятининг мақсадлари маълумотномада "ҳар қандай жинс ва ёшда-ги шахслар томонидан товарлар ишлаб чиқариш ёки ўзлари учун хизматлар кўрса-тиш фаолияти, ҳар қандай фаолият" деб белгиланади.

Зоҳир ЭРҒАШЕВ,  
Самарқанд вилоят статистика  
бошқармаси мутахассиси.

## ШУКРОНАЛИК НЕЪМАТЛАРНИНГ УЛУФИДИР

"Шукр" сўзи аслида миннатдор бўлиш, раҳмат айтиш маъноларида бўлиб, неъмат-ларни ёлғиз Аллоҳ таолодан деб билиш ва У рози бўладиган тарзда сарфлашни анг-латади. Барча неъматлар Аллоҳ таоло то-монидан берилиши ва уни саногини бан-далар ҳисоблай олмаслигини марҳамат қилган. "...Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саногига ета олмайсизлар..." (иброҳим -34 оят).

Ҳақиқатдан ҳам Аллоҳнинг биз бандла-рига берган неъматларини ҳисобига этиш мушкул ва оғир иш. Бу неъматлар ичида биз ҳис қилган ва қилмаган, билган ва билма-ган беҳисоб неъматлар бор. Қуръонни яхши билган бизни ота-боболаримиз ҳар бир ўринда, мисол тариқасида дуо қилган-ларида ҳам "Аллоҳим берган барча неъмат-ларингга беҳисоб, беадад шукроналар бўлсин", деб дуо қилганлар. Шукрона кел-тирганларида неъматларни ҳисобини, ада-дини билмаганиги учун "беҳисоб", "беа-дад" деб Аллоҳ таолога ҳамду санолар йўллаганлар. Шукроналикда яшаганлар ва шу неъматларга розилиги бадалига неъматларни янада зиёда бўлишини Аллоҳ ваъда берганлигини билганлар.

Бир ривоятда олдинги замонларнинг бирода Аллоҳ таоло бир пайғамбарга ва-ҳий юбориб дебди: "Фалончи икки умма-тинга бориб айт (улар иккаласа эр-хотин экан) бундан кейин улар 60 йил яшайдилар. Шу қолган ярми умрини фароғатда, ярми-ни машаққатда ўтказишади. Улар танласин-лар; аввал машаққатни танлашадими ёки фароғатини?". Шунда пайғамбар алайҳис-салом бориб ўша эру-хотинга илоҳий ҳук-ми айтиб берибди ва танлашлик ихтиёр-ларини ҳам тушунтирибди. Эри хотинига маслаҳат солибди: "Хотин, аввал машаққат-ни танлайлик, чунки ҳозир бизлар ёш ҳар қандай машаққатни кўтара оламиз, эрта қариганимизда маъза қилиб кейин фаро-ғатда яшаймиз" дебди. Хотини: "Йўқ, ав-вал енгилликда яшайлик, чунки хайрли ишлар қилиб қоламиз, кейин қолган умри-мизда қариндошлар, қўни-қўшнилар ёрдам бериб қолар" дебди. Хуллас эр хотинининг гапига рози бўлибди. Улар аввал осон ҳаёт-ни танлашибди. Шундай қилиб уларга Аллоҳ таоло аввал енгил ҳаётни насиб қилибди. Ҳар қуни хотини эрига: "Дадаси туринг, энди қолган умримизнинг 30 йили фароғат эканлигини биламиз, шунинг шук-ронасини адо этайлик, кейин машаққатда

адо этолмаймиз", деб улар иккаласи ҳар қуни Аллоҳ таоло берган неъматларнинг шукронасини адо қилиб келибдилар. Ўтти-зинчи йилнинг охириг қуни яқинлашгани-да эр хотинига: "Хотин, энди бундан буёғи фақат машаққат бўлади, бунга тайёр бўлай-лик ва қолган умримиз бир-биримизга су-янчиқ бўлайлик", деб насиҳат қилди. Эрта-си қуни, яъни машаққатли умрнинг аввал-ги қуни ҳам аввалгидай ўтди. Шундай қилиб, йиллар ўтибди, йиллар ўтибди-ки худ-ди олдинги умрдек фароғатда ҳаёт кечира-верибди. Шунда эр-хотин бориб пайғамбар-дан сўрашибди: "Ахир бизлар қолган ярми умримизни Аллоҳ таоло машаққатли қилган бўлиши керак эди-ку, нима учун қолган ум-римиз ҳам аввалгидек ўтаяпти ёки бизлар санада адашдикми?", дебди. Пайғамбар алайҳис салом икки ракаат намоз ўқиб Пар-вардигордан илтижо қилиб сўрабди, шунда Аллоҳ таоло пайғамбарига ваҳий юбориб: "Улар фароғатдаги умрида менга ҳар қуни шукр қилишди, шунинг учун Мен уларнинг қолган умрини ҳам фароғатли қилиб қўйдим. Кимки Менга шукр қилса неъматим-ни зиёда қиламан", деб марҳамат қилибди.

Инсон ўзига берилган неъматларга шук-рона келтиришининг ўзи ҳам Аллоҳ таоло-нинг бир неъматиди экан. Айримлар орами-за борки, доимо қуфрона неъматдан ўзга нарсани билмайдилар, яъни ношукрлик ва онқўрлик қиладилар. Кейинги йилларда юртимизда барча соҳаларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар-ни халқимиз кўриб, билиб қалбан ҳис қилиб турибди. Биргина диний соҳада қанча ўзга-ришлар бўлди.

Шукр неъматнинг бориға хурсанд бўлиш, қолаверса, неъматнинг зиёда бўлишиға са-бабчи омилдир. Ҳар қандай неъмат шукр билан зиёда, шикоят билан нуқсонли бўла-ди.

Аллоҳ бизға берганиға шукр қилсак, Аллоҳ янада зиёда қиладди. Банда икки қридани билиб олиши керак, яъни бир ин-сонға икки қанот керак, биласизми у нима? Бири шукр, иккинчиси сабрдир. Масалан: машаққат устида сабр қилиб, бориға шукр қилсак, Аллоҳ таоло Ўзининг фазли ила енгиллиқни ато қиладди. Енгиллиқда ҳам шукр қилсак, Аллоҳ янада зиёда қиладди. Бизнинг ҳамёнимиз сабр ва шукр бўлсин.

Ҳадича ҚОБИЛОВА,  
Янгиобод МФЙ отинойиси.

### Dalalarda ish qizg'in

## ICHKI SUG'ORISH TARMOQLARI MAVSUMGA TAYYORLANMOQDA

Oqdaryo tumanida ham "Har bir fermer xo'jaligi bir kilometr ariqlarni betonlashtiradi va barcha ariq, zovurlarni to'liq tozalaydi" tamoyili asosida qishloq xo'jaligida bahorgi mavsumga tayyorgarlik ishlari qizg'in.

Tumanimizda qishloq xo'jaligi sohasida kuz-qish mavsumida amalga oshiriladigan shudgorlash va ariqlarni qazish ishlari hamda suvni ortiqcha isrof qilishni oldini olish maqsadida olib borilayotgan ichki ariqlarni betonlashtirish ishlari jadal sur'atda davom etmoqda.

Ayni vaqtda tumaning 1-sektor hududi "Qahramon" MMTP hududidagi "Azimxon farovon dala", "Tarnovxo'ja", "Pichoqchi barakasi" fermer xo'jaliklarida hamda Bobur MMTP hududidagi "Yakkabog' hosili" fermer xo'jaligida suvning ortiqcha sarflanishini oldini olish maqsadida ariqlarni tozalash jarayonlari uyushqoqlik bilan amalga oshirilmoqda.

Jumladan, Zarafshon" MMTP hududidagi "Qaychili oltin boshog'" fermer xo'jaligi hamda "Hasan Zarafshon barakasi" fermer xo'jaligi hududlaridagi ariqlarni tozalash, betonlashtirish ishlari uyushqoqlik bilan olib borildi.

Joriy yilda tumanimiz hududida jami, 165 kilometr ichki ariqlarni betonlashtirish rejalashtirilgan bo'lib, hozirga qadar, 28,45 kilometr masofadagi ichki ariqlar to'liq betonlashtirilib, yana 4,5 kilometr hudud betonlashtirishga tayyorlangan.

Shuningdek, 609,8 km ichki ariqlar qazilishi ko'zda tutilib, hozirda, 414,8 km ariqlar qazilgan. Tumanimizdagi qishloq xo'jaligi sohasida kuz-qish mavsumida amalga oshiriladigan shudgorlash va ariqlarni qazish ishlari hamda suvni ortiqcha isrof qilishni oldini olish maqsadida olib borilayotgan ichki ariqlarni betonlashtirish ishlari jadal sur'atda davom etmoqda.

Xususan, ayni kunlarda "Zarafshon" MMTP hududidagi "Qaychili oltin boshog'" fermer xo'jaligi hamda "Hasan Zarafshon barakasi" fermer xo'jaligi hududlaridagi ariqlarni tozalash, betonlashtirish ishlari uyushqoqlik bilan olib borilmoqda.



- Хой, хўжайин, сиз ҳам сал эртароқ туриб бирор фойдали иш қилсангиз бўлмай-дими? Туш бўлди ахир!

Хонзода кеча кечқурун тўйга бориб йиқилиб қолгунча ичиб келган эрини уйғота олмай овора эди. Ҳар куни ароқ ўлгурни ичгани ичган. Рўзгор тебратишга пул йўқ, лекин ароқ деса пул топилади. Қишлоқда нима кўп, дўкон кўп. Насияга ҳам бераверишади. Сотувчиларда нима, бир сумни ўн сўм қилиб ёзиб қўйишади. Кейин бир амаллаб ундирини билишади. Хорижга кетган ўғлидан пул келса тўлайди. Угли ҳам бир неча ойдан бери пул юбормай қўйди. Айтишича, бошқа жойга кўчаётганмиш. Бу хабарни эшитиб эри Аҳмадининг кайфияти бўзилди. Пул келмагандан кейин Лойишга чиқиб айланиб келиш ҳам қийинда.

Очиниги айтганда рўзгор ташвишларининг барчаси бечора Хонзаданинг зиммасида. Яхшиямки тикувчилик касби бор экан. Бўлмаса икки боласи билан анча қийналиб қолишарди. Эрининг аҳволи бу бўлса. Мактабни битиргач, тракторчилик курсида ўқиган эри Аҳмад бир неча йил гаражда ишлади. Колхоз фермер хўжаликларига айлантирилгач, ишсиз қолди. Доимо трактор ҳайдаб юрган одамга унча-мунча иш ёқавермас экан. Бир мuddат кўшнисининг фермер хўжалигида пахта ва галла етиштиришда ишлаб юрди. Бу иш ҳам ёқмади, қўлидан сувоқ қилиш, пахса уриш, гишт териш каби ишлар келганиги боис, тўрт-беш сўм топиб келадиган бўлди. Албатта халқимиз мардикор бўлиб қимнинг уйда ишласа пулини бериш билан бирга ош-чўй қилиб, ароқ, дегандай олдиға қўяди. Аҳмад ҳам устачилик-кўпол қилиб айтганда, мардикорлик қилиш юрган пайтларида ичкиликка рўжу қўйди. Ичса кўп гапирадиган бўлиб қолади. Бир пайтлар ажабтовур сартарошлик қилишга ҳам ўкуви бор эди. Аммо бир неча бор туман ташкилотларидан бирида ишлаётган ҳамқишлоғи сизга сартарошхона очиб берайлик, ишли бўлиб қоласиз, деганида ҳам энди бир каммиш шу ишни қилишим қолувди деб унамади. Шунда Хонзода: «Хўжайин, кун бўйи уйда бекор ўтиргандан кўра, сартарошлик қилсангиз бўлмай-дими», деганида хотинини уришиб берганди. Ўз билганидан қолмади. Бўш қолса кўчага чиқиб мактабнинг ёнидаги дўконда карта ўйнайди, беш юз сўмдан йиғишиб, улфатлари билан ароқ ёки пиво ичишади. Хонзода бўлса тоғни урса талқон қилидиган эрининг бу аҳволини кўриб ич-ичидан эзиларди. Ахир бирин-кетин фарзандлари улғайишяпти, уларни ўқитиб, уйли-жоили қилиш керак. Эрининг аҳволи эса бу, нима қилишга ҳам ҳайрон. Хонзода бир кун келиб эрининг инсофга келишини кутишга мажбур эди...

## АЁЛЛАР ГИЙБАТГА ЎЧ БЎЛИШАДИМИ?

Ҳар куни ишга бораётганимда уч-тўрт аёлнинг дарвоза ёнида тўпланишиб ўтирганларининг гувоҳи бўламан. Орадан тўрт-беш соат ўтгач, яна тушлик қилиш учун уйга қайтаман. Шунда ҳам ўша аёллар гурунгини давом эттиришаётган бўлади. Тушлик қилишга бораётган пайтимда яна ўша аёлларга кўзим тушади. Бунча гапи кўп бўлмаса бу аёлларнинг, дейман-у, йўлимда давом этаман. Соат кечки пайтларда ишдан уйга қайтаётганимда ҳам ўша аёллар яна тўпланишиб олиб, бири-бирига навбат бермай қизгин бахшлашаётган бўлади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Эрталаб соат саккиздан кечки соат олтигача қанча вақт бор? Ҳа, балли, шунча соат. Аёллар шунча вақтларини фақат гийбат билан ўтказишди деган маънони англатмай-дими? Нега бизнинг аёлларимиз бирор бир хунар билан шуғулланишмайди? Сир эмаски, вилоятимизнинг Нуробод, Қўшрабoт, Ургут ва бошқа туманларида қизларни ёшлигидан бошлаб тикувчилик, каштадўзлик сингари хунарларни ўргатишга жалб қилишади. Бундай мисолларни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Лекин бизда-чи? Айрим аёлларимиз бўлса, эри топиб келса ейди, бўлмаса йўқ. Кун бўйи бекор ўтирса ўтиради, қўлини совуқ сувга уришмайди. Ҳатто уйда уни, ўтини бўла туриб нон ёпмайдиган аёллар ҳам бор. Улар тайёр дўкондаги нонни сотиб олишни эп кўришади. Ахир узун кун бекорчиликдан пашша кўриб ўтиргандан кўра, уй-рўзгор ишларини, янада аниқроқ қилиб айтганимизда, аёллик бурчини бажаришса бўлмай-дими? Ҳатто ҳовлисига екилган сабзи, пивёз сингари экинлар ичидаги бегона ўтларни ҳам тозаламайдиган аёллар ҳам йўқ эмас. Улар менинг ишим фақат эрим топиб келганини пишириб берсам бўлди, шу менинг вазифам, деб ўйлашади. Ахир халқимизда эр-хотин кўш хўкиз деган ҳикматли нақл бор. Бу нақл замирида бир олам маъно муҳассас эмасми? Яқинда Самарқанд шаҳрининг чекка маҳаллаларидан бирида бўлиб ўтган бир тадбирда қатнашимизга тўғри келди. Хонадон соҳиби бизнинг қаердан эканлигимизни сўради. Биз айтдик. Сизлар хафа бўлмагнизлару, лекин Оқдарёдан бир келин олган эдик, олганимизга минг бир пушаймон бўлдик.

## Мулоҳаза учун мавзу

# ОҚДАРЁДА ДАНГАСАЛАР КЎПМИ?

Сабабини айтадиган бўлсак, уй-рўзгор ишларини умуман билмайди. Овқат пиширишни-ку айтмасак ҳам бўлади. Ҳатто игнани қандай ушлашни ҳам билмайди, десам ишонмайсизлар. Кун бўйи уйда бекор ўтиришдан зерикмайди. Ўзларингизга маълум,



биз ҳовлимиздаги бир сотих ердан унумли фойдаланиб, миллион-миллион фойда қиламиз. Келинимизга сиз ҳам деҳқончилик қилишга ўрганинг, десак хохламайди. Телефонда гаплашмишларини айтмайсизми? Ҳали уйдагилари, ҳали аммаси, ҳали холаси, ҳали онаси, қўйингчи, соатлаб телефонда гийбатлашиб ўтиради. Ахир телефонда гаплашгани учун ҳам пул тўлаш керак. Ўзи ишламагандан кейин ўғлим телефон пулини тўлашга мажбурда. Нима қилишга ҳам ҳайронмиз.

Мезоннинг гапидан ер ёрилмади-у, ерга кирмадик. Ўзимиздан ўтганини ўзимиз билсакда, сир бой бермай, энди ҳамма жойда ҳам иш ёқмас келинлар бўлади-да, дея изох беришга уриндик. Аммо уй эгасининг ҳақлигини ҳаммамиз сезиб турардик.

Очиниги айтиш керак, бир пайтлар, аниқроғи ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Лойишда атлас тўқиш цехи, Даҳбедда эса гилам тўқиш цехлари ишга туширилган эди. Вақт ўтиб бу хайрли ишлар негадир тўхтаб қолди. Бизда ҳам гилам, атлас тўқиш цехларини очиш муҳим. Ёки уй шароитида ҳам дўппидўзлик, костюм-шим тикадиган цехлар-

ни коллежларнинг ўзида ташкил этиш мумкин эмасми? Мумкин. Лекин, бизнинг фақат билиб олганимиз педколлеж, медреса ва бошқа йўналишлардаги коллежлар ҳолос. Ахир бир йилнинг ўзида биргина Оқдарё педагогика коллежини юзлаб талаба қизлар битириб чиқишаётган бўлишса, туман мактабларида юзлаб иш ўринлари уларни кутиб тургани йўқ-ку. Демокчи бўлганимиз коллежларда ўқиётган қизларни ҳам ҳаётда кўп фойдаси тегадиган хунарларга, дейлик, тикувчилик, каштадўзлик, гиламдўзлик сингари хунарларга ўргатиш керак. Ана шундагина коллежларни битириб чиққан қизлар менга иш топилаяпти деб уйда бекор ўтиргандан кўра, хунар билан шуғулланган бўларди.

Яқинда Фаргона водийсининг Қўқон

шаҳрида, Риштон, Олтиариқ ва Данғара туманларида бўлди. Бирор жойда аёлларнинг бекорчиликдан гап сотиб ўтирганиларини учратмадик. Бунинг боисини мезонлардан сўраганимда, улар: «Бизда хотин-қизлар сира бекор ўтиришмайди. Ҳар бир аёл хоҳ у мактабда, хоҳ давлат корхонасида ишласа ҳам, асосий ишдан кейин хунар билан шуғулланишади. Асосан, каштачилик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, атлас тўқиш, қўлолчилик билан банд бўлишади», дейишди. Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, водийлик эркаклар ҳам асло бўш ўтиришмас эканлар. Улар давлат корхоналаридаги иши тугагач, уйларига бориб қосибчилик, темирчилик ёки шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланишар эканлар. Албатта бу борада водийликлардан анча ўрнатилган бўлади.

Хўш, бизда-чи? Тан олиб айтишимиз керак, бу борада камчилиқларимиз кўп. Оиладаги эр-хотинлар кун бўйи бекор ўтиришса ўтиришса, лекин ҳовлисидagi ердан унумли фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Улар фақат маҳалладан бериладиган болалар нафақаси ёки моддий ёрдамга қўни-киб қолишган. Ваҳоланки, ҳовлисидagi 15-20

сотих майдонни экин ўрнига ёввойи бурган босиб ётади. Ахир водийликлар ёки Самарқанд шаҳрида яшовчилар бир сотих ердан миллионлаб сўм фойда қилишса-ю, биз бўлса неча ўн сотихлаб ердан унумли фойдаланмай, дангасалик қилсак. Шу ҳам инсофданми? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак ахир. Японияда ер камлиги учун аҳоли денгиз ёқаларида бориб сувнинг устига сол ясаб экин экаркан. Ана кўрдингизми, қандай тadbиркорлик. Бу борада японлардан ибрат олсак фойдадан холи бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз биз учун шунчалик кенг имкониятлар яратиб берса-ю, биз дангасалик қилсак. Биз доимо кўп гапира-мизу, аммо кам ишлаймиз. Худди халқ мақолида айтилганидек, гап деса қоп-қоп, иш деса Маккадан топ деганларидек, аслида кам гапириб, кўп ишлашимиз лозим эмасми? Вазира-лар Маҳкамасининг озик-овқат экинларини кўпайтириш, фуқароларнинг томорқа хўжаликларидан унумли фойдаланиш тўғрисидаги қароридан сўнг анча ишлар амалга оширилди. Маҳаллалар бу ишга бош-қош бўлишligи айтилди. Аммо шунча гаплардан кейин ҳам ҳовлисидagi ерга озик-овқат экинлари экимаган шахслар ҳам топилади. Бундайларга маҳаллаларнинг фаоллари янада тушунтириш ишларини олиб боришга тўғри келади.

Дангасага иш айтсанг, отангдан кўра яхши маслаҳат беради деганларидек, айрим оила-ларда икки-уч нафар ишга яроқли кишилар бўлишига қарамасдан, уйларига бекор ўтириш-шади. Фақат давлатдан нажот кутиб ўтириш ҳам инсофдан эмаску, ахир. Қачонгача боки-мандалик билан рўзгор тебратиш, кун кечирish мумкин?

Айни шу кунларда ишлайман, даромад топаман деган кишига иш кўп. Далаларимизда пахта терими қизгин паллага кирган пайтларда эса ҳар килограмм пахта учун 1500 сўмдан, иккинчи теримдан бошлаб эса 2000 сўмдан иш ҳақи тўланадиган бўлди. Бир киши ўртача бир кунда 100 килограмм пахта терса, 150 минг сўм ишлайди. Агар 10 кунда шу ҳолда пахта терса 1500 минг сўм терим ҳақи олади. Кўпчилик бўлиб, оилавий теримчилар иштирок этишса, кунига 500 минг сўмдан пул ишлаши мумкин. Бунинг учун истак, хоҳиш бўлиш керак ҳолос. Ахир халқимизда ишламаган тишламайди, меҳнат бахт келтиради, деган нақллар бежиз-га айтилмаган-ку.

Хўш, мақсад нима? Мақсад шуки, энг аввало хонадонлардаги шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги ерлардан унумли фойдаланиш, йлгит-қизларга ҳаётда керакли бўладиган касб-хунарларни ўргатиш ниятда зарур. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам бекорчиликдан гап сотмай, фойдали иш билан шуғуллансалар оиламиз ҳам тўқ, юртимиз ҳам обод бўлади. Буни шу азиз Ватаниннинг ҳар бир фуқароси унутишга ҳаққи йўқ.

Йўлчи МУҲАММАДИЕВ.

## Шарафли касб эгалари

# ЭЛ ОЛҚИШЛАГАН ШИФОКОР



- Беш турдаги йўналишлар бўйича 27 173 нафар аҳолига хизмат қиламиз, - дейди Янгиқўрғон оилавий поликлиникаси мудираси Туфанисо Турсунова. - Улар таркибига жарроҳлик, акушер гинекология, лаборатория, УТТ, УКГ ҳамда 14 та тиббий бригадалар халқимиз хизматиға хамиша шайдир. Шунингдек, олтига маҳаллага тўғридан тўғри хизмат қилсак, Чайговул, Сўғончи худудларидаги филиалларимиз ҳам аҳоли хизматидадир.

Янгиқўрғон оилавий поликлиникасида олий тоифали шифокорлар билан бирга 65 нафар ҳамширалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келишади. Улар орасида олий тоифали шифокорлар Матлуба Воҳидова, Норқол Сатторова ҳамда стоматолог Асқар Аҳоровнинг билим тажрибаларидан ҳар бир бемор беҳад мамнун бўлишмоқда.

Туфанисо Турсуновани эса ўз ҳаётини халқимиз соғлигини сақлашга бағишлаган фидойи шифокор дейиш мумкин. 1984 йилда ўз иш фаолиятини туман тиббиёт бир-лашмасига қарашли бўлган кўп тармоқли поликлиникасида педиатр шифокорлигидан бошлаган бу опанох шу вақтга қадар ўз касбини шарафлаб, эл олқиши ва дуосини олиб келаяпти.

Дарҳақиқат, ўз касбини ардоқлаган ҳар қандай шифокор ана шу меҳнатларининг самараси билан элда азиз бўлади. Ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати орқали эл олқишга сазовор бўлиб келаятган Туфанисо Турсунованинг келгуси ишларида улкан зафарлаб тилаб қоламиз.

С.ИБРАГИМОВ.

## ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Тўйчиев Авулбой Нурматовичга (2023 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Эш-назаров Мамашариф Шоназаровичга (2023 йил 1 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Хам-дамова Олпоқ Пормоновнага (2022 йил 15 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун ме-

рос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Со-атова Шаҳодат Аббосовнага (2021 йил 4 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос-хўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Рузиев Актам Мусурмоновичга (2021 йил 9 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

# INSON MUHABBATI

Inson dunyoga kelganda va o'zligini taniganda tabiiyki, borliqdagi har bir ne'matlariga mehr-muhabbat qo'yadi. Insonlarning muhabbati turli xil. Negaki, barcha insonlar ham bir-biriga o'xshamaydi. Masalan oilasiga, ota-onasiga, farzandlariga, sevgan yoriga, yaqin do'st-birodarlariga muhabbat bo'ladi. Inson muhabbati bu tabiiydir. Shu bilan birga odamzotga berilgan buyuk ne'mat hisoblanadi.

Muhabbat deganda, qalbimizda ajib his-tuyg'ular ummon kabi jo'sh uradi. Bu tuyg'ular mehr, bag'rikenglik, xushmuomalalik, qadrlash, yaxshi ko'rish kabi tuyg'ulardir. Inson muhabbati dunyoning o'tkinchi hoyu-havaslariga emas, yoningizdagi aziz insonlarga bo'lishini xohlardim. Aslida inson muhabbati chiroyli so'zlarda emas, qalbdan bo'lmog'i lozim. Shundaygina, o'zingga bo'lgan ishonchni, qadr-qimmatni eng avvalo samimiyligni his qilasan. Beixtiyor bundan diling yayraydi. Shuning uchun ham Allohimgi bizni ongli mavjudot qilib yaratgan. Bu bejiz emasdir.

Shunday ekan, biz insonlar bir-birimizga mehr-oqibatli bo'laylik.

## MENING OBOD QISHLOG'IM

Har bir inson o'zining qishlog'i haqida suhbatlashganda eng yaxshi xotiralarini yodga oladi. Rassomlar, shoirlar o'z qalami bilan fusn berib, chizgilarida, satrlarida o'z kechinmalarini chizishadi va yozadilar.

Mening qishlog'im - Chayjovul o'zining tabiati, ajoyib manzaralari bilan kishini hayratga soladi. Insonlarning ko'nglini xushnid etadi. Ko'plab ijobiy tuyg'ularni uyg'otadi. Tabiatining go'zalligi yilning istalgan vaqtida poyobdir. Har insonga o'zi yashab turgan mahalla, shahar, qishlog, yurti azizdir. Men ham qishlog'imning toza havosi, odamlarining mehr-oqibatligi, eng asosiysi, samimi, kamtar insonlarini yaxshi ko'raman. Tongda issiq nonning hidi dimogingizga uriladi.

Qishlog'im o'zgacha fazl va tarovatli maskan. Tongda issiq nonning hidi dimogingizga uriladi. Har bahor dadam bilan yangi ko'chalar ekamiz. Bizning kattagina bog'imiz bor. Unda turli xil mevalar g'arq pishgan.

Tong yorishishi bilan qishloqda hayot qaynaydi. Hamma ishga, o'qishga, dalalarga borishga shoshiladi. Mening dadam fermer. Katta yer maydonlarimiz bor. Har tongda akam bilan nonushta qilib dalaga boramiz.

Tabiatning mo'jizasini ko'rib, beixtiyor dil yayraydi. Qushlarning sayrashi, itlarning hurishi, qo'ylarning ma'rashi jonli bir musiqiy san'at namunasi. Ayniqsa, paxta yig'im-terimi davrida ish avjiga chiqadi. To'g'ri, hammaning o'ziga yarasha muammasi bor. Lekin eng asosiysi ular juda baxtiyor, quvnoq, sho'x o'yin-kulgu bilan paxta terishib, dalalarning o'zida raqsga tushishadi.

Men ham qishlog'imni, paxta dalalarini, chang ko'chalarni juda sog'imdim. Bugungi kunda qishlog'im obod maskanga aylangan. 2020 yil Obod qishlogi dasturiga kiritilibgan edi. Qishlog'imiz ko'chalari asfalt qilinib, chiroqlar o'rnatildi. Tikuv sexlar, sartaroshxona, supermarketlar, qandolatchilik sexlari ochilib, qishlog'imiz odamlariga xizmat qilmoqda. Qishlog'imiz shahardan qolishmaydigan obod maskandir.

Diinoza ABDUQODIROVA,  
O'zbekiston Davlat jahon tillari universiteti  
Xalqaro jurnalistika fakulteti talabasi.

Сафохонович нотариал идорасида марҳум Узоқов Норбек Холмаматовичга (2023 йил 20 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Рузиев Актам Мусурмоновичга (2021 йил 9 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

## Кўтарилган мавзуга яна қайтиб

# ҲАМЗА АДАБИЁТГА ҚАЧОН ҚАЙТАРИЛАДИ?

Биз ўқиган даврларда мактаб дарсликларига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек совет адабиётининг асосчиси ва биринчи ўзбек драматурги сифатида ўқитилган. Очиниги айтиш керакики, то Ўзбекистон мустақиллигига қадар Ҳамзаниннг ҳаёти ва фаолияти ҳақида дарсликларга киритилиб, у ҳақида асарлар яратилган театрлар, шаҳарлар, кўчалар унинг номи билан аталган. Афсуски, мустақилликдан кейинги йилларда айрим "олимлар" томонидан уни "фoш"қилишга киришди. Бу борада айрим шахслар томонидан докторлик ишлари ҳам амалга оширилди. Афсуски буларнинг ҳаммаси яхши. Буни ҳалқ дарди билан ёнган жадид бoбoмиз Ҳамзага бир томонлама ёндашилганлиги оқибати эди.

Кейинги пайтларда маъанавиятга ва маърифатга алоҳида эътибор берилиб жадид бoбoларимизнинг қилган меҳнатларига юксак баҳо берилаяпти. Бу борада Бeҳбўдий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қoдирий, Мунaввaр Қoри Абдурашидов ва бошқа ўнлаб жадидларнинг номлари оқланиб улар ҳақида бaдий асарлар яратилаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхши. Буни эътироф этишимиз керак. Бирок, негa Ҳамзаниннг дарсликлардан чиқариб тaшланганлиги ва уни қайтадан дарсликларга киритилиши ҳақида ҳеч ким лoм-мим демаяпти? Ваҳoлaнки, ўтган йилнинг бошларида "Ишoнч" гaзeтaсидa aкaдeмик Нaим Қaримoвнинг бир сaҳифaлик "Бaрҳaёт Ҳaмзa" номи билан атaлуvчи мақoлaси ишoнчли фaқтлар aсoсидa ёpитилди. Минг aфсуски, мақoлa чoп этилгaндaн сўнг ҳам тегишли тaшкилoтлар томонидан кўриб чиқoрилиб aниқ фикр билдирилмади. Телекaнaллaр ҳам Ҳaмзa ҳaқида бирoртa кўрсaтув тaшвирлaшмади. Нaхoтки, Ҳaмзаниннг душмaнлaри шунчa бўлсa дeгaн сaвoл пaйдo бўлaди. Ўқoридa aйтгaнимиздек, бутун ҳaётини миллaтимизнинг oрзулaрини aмaлгa oширишгa бaғишлaгaн, бoр йўғи 40 йил умр кўргaн Ҳaмзa Ҳaқимзoдa Ниёзийнинг aдaбиётгa қaйтaриш, дарсликларгa киритиш шунчaлик қийин бўлсa?

Яқиндa хурмaтли Президентимиз Мaдaният ва маърифaт Рeспубликa Кeнгaшининг йиғилишидa aлoҳидa тaъкидлaб жaдид бoбoларимизнинг қилгaн меҳнaтларигa муносиб бaҳo бeриш, уларнинг oрзулaрини aмaлгa oшириш ҳaқида aлoҳидa тўтaлиб ўтди. Шундaй eкaн, Ҳaмзaни aдaбиётгa вa дарсликларгa янa қaйтaриш лoзим. Буни тегишли тaшкилoтлар oқoридaн тoпширик кутиб ўтиpмaсдaн aмaлгa oширишлaри ниятдa зарур. Бу ҳaм кeчиктириб бўлмaйдигaн дoлзaр вaзифaлардaн бири eкaнлигини ёддaн чиқaрмaслик кeрaк.

Бир сўз билан айтганда, Ҳамза адабиётга қайтарилиши шарт! **ЖЎШҚИН.**

\*\*\*

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Норкулов Али Равшановичга (2021 йил 29 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз.

Манзил: Лойиш шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси.

# ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Маълумки, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1993 йилнинг 29 декабрида 14 январь юртимизда "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Бугунги кун юртимиз ўғлонлари буюк бо-бокалонимиз издоши бўлиб келмоқда. Улуғ аждодларимизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган Соҳибқирон Амир Темур бобоимиз ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзида ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва далиллардан кўриниб турибдики, давлат арбоби ёшлигидан жуда тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган киши бўлган, у айниқса, бошқарувнинг нозик, кўпчилиги учун тушуниш қийин бўлган сирларини яхши ўзлаштирган. Унинг дунёқарашида давлатга, ҳарбий ишларга бўлган қизиқиши ёшлигидан уйғонади. Уни уламолар имтиҳон қилишиб, қувват хотирасига тасаннолар айтишган. Ўн икки ёшга тўлганида у: Болаларча ўйинлардан оранадиган бўлади ва вақтини ўзига тенгқур ўспиринлар билан ўтказишга ҳаракат қилади.

Темур 16-18 ёшида қилчйбозлик, найзабозлик ва шикор (ов) қилиш санъатини моҳирона эгаллаш ва 20 ёшида эса абжир чавандоз бўлиб етишади. Кейин у ўз тенгқурларини ғурухларга бўлиб, жанг машқларини ўткази бошлайди. Соҳибқирон ўн олти ёшгача фақат диний эмас, балки дунёвий фанлар-тарих, фалсафа, география, ҳисоб ва бошқа илмлардан ҳам хабардор бўлган. Буюк лашкарбоши мамлакат ободончилигини юксалтириш, аҳолининг иқтисодий турмуш тарзини яхшилаш ва мўл-қўлчиликни таъминлашга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Бунга улуғ Амир пирлари Зайниддин Абубакр Тойбодий ўқитрган салтанат ишларидаги тўрт нарсаса: 1.Кенгаш; 2. Машварату маслаҳат;3. Мустаҳкам қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4.Эҳтиёткорликча амал қилганлиги туфайли эришган. Буни биз Амир Те-



мурнинг "Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим", деб айтган ибратомуз сўзларидан ҳам билсак бўлади. Соҳибқирон қайси бир мамлакатга лашкар тортиб борганлигидан қатъи назар, у адолатни ҳимоя қилган, инсоф ва диёнат учун жангга кирган. Аксариyat ҳолларда келиб чиққан урушлар Амир Темур рақибларининг адолатсизлиги, инсоф диёнатсизлиги, имонсизлиги айби билан жанг олиб борган. Бугунги кунда Соҳибқирон яратган ҳарбий санъат мероси ҳақон халқларининг ҳарбий санъати меросидан муносиб ўрин олди ва ҳозирги куннинг янги мазмуни билан бойиб бормоқда.

Ватан остонадан, инсон яшаб нафас олиб турган гўшадан, инсоннинг киндик қони тўкилган хонадон тупроғидан бошланади. Шу боис, инсон илк бор нафас олиб, улғайиб вояга етган она заминга меҳр-муҳаббат ва садоқатда бўлиши, унинг ҳар бир ҳовуч муқаддас тупроғини кўзига тўтиёдек суртиши, унга нисбатан бир умр фарзандлик ҳисси билан яшашини унинг учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ватанимиз тупроғидаги ҳар бир қарич ер муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун аждодларимиз юрт тупроғини кўзларига тўтиб этганлар, қаерга борса ҳам ватан ёди билан нафас олганлар. Юртимиз инсонлари ватанимиздан ташқарида бахт-саодатга эриша олмайдилар. Ҳар бир инсоннинг ўз Ватани унинг учун дунёдаги энг гўзал ва муқаддас макондир. Ватанга меҳр-му-

ҳабати бўлмаган инсонни ота-онасига меҳри бор десалар бунга ишониб бўлмайди. Она ватанимизга садоқатли бўлиш, аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўзига ишонч, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди. Таълим муассасаларида "Ватан ҳимоячилари куни" тадбирларини ўтказишнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, ўқувчилардан Республика-миз Қуроли кучларининг салоҳияти ва обрўси, мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда худудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ҳаётини ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини кенг ёритиб бериш, уларни ўз ватанига содиқ ва фидойий инсонлар этиб тарбиялаш ҳамда таълим муассасаларининг педагогик жамоасининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бугунги кунда ўқувчи ёшларда ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ғояларнинг асосий йўналишларини шакллантириш, бу таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш аънаёнага айланиб бормоқда. Ёшларни ҳарбий хизматга қузаатиш маросимларини тантанали ўтказиш ҳам ватанпарварлик тизимига қиради. Ватанимиз, халқимиз тинчлиги ва оқойишталлигини ишончли ҳимоя қилиш, бугунги кунда ҳар бир йигит қизнинг орзуси ва бурчига айланиб бормоқда.

Бугунги ёшларимиз мустақил ватанимизнинг посбонларидир. Биз навқирон авлод вакиллари-ни баркамол, етук кишилар қилиб вояга етказ-сак, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий гурурни изчил шакллантириб борсак, ватанимиз шунчалик қудратли давлатга айланади. Ватанин, халқимиз тинчлиги ва оқойишталлигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, содиқлик, фидойилик туйғуларини ҳис этиб яшаётган ёшларимиз мустақил юртимизнинг келажакдир.

Биз қўлга киритган бундай ютуқлар билан муқаддас юртимизда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Муҳаммад АБДУРАҲМОНОВ.

## Қалб дафтаридан

### ҚАЛБДАГИ ИККИ КУЧ

Инсон қалбида икки хил ранг бўлади. Бири оқ, бири эса қора. Улар ўртасида доимо кураш бўлар экан. Сен қайси рангини кўпроқ эъозласанг, умринг давомида шу ранг ҳаётинг мазмунига айланади ва сени бошқаради.

Сен доимо оқ рангини танла. Шунда ҳаётинг ёрқин ва нурафшон бўлади. Қалбингдан эса нур таралади.

Инсон қалбида икки куч яшар экан. Унинг бири эзгулик, бири эса ёвузлик. Сен қайси кучни кўпроқ парваришласанг, эъозласанг ўша куч қалбингга униб-ўсади ва унинг мевасини умринг давомида ўзинг таттиласан.

Сен албатта қалбингга эзгулик уруғини экиб, парваришла. Токи, ҳаёт илдизларинг эзулик ирмоқларидан сув ичиб, фақат эзгу мақсадлар сари йўғирилсин. Токи, умринг афсус ва надомат билан ўтмасин.

### ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Қиз учун келин бўлиб тушган хонадонни иккинчи эшик бўлиб очилди. Болалигининг ширин хотиралари эртакка, ота-онасига қилган эрқаликлари эса минг бир синонга айланди. Не-не орзу умидлар ила қадам қўйган бу хонадоннинг севимли келини, севган ёринингнинг суякли рафиқасига айланиш учун эса минг бир синовлардан ўтиб олишинг керак.

Бу синовлар қизлик ўйинг билан келинлик ўйинг орасидаги эшиклар ўртасида давом этади. Албатта, умр йўлининг пасту баландлари, ёгин-сочинлари, бўронлари ҳам бор. Шунингдек, ҳар бир эшикнинг ўзига хос ҳаёти, сир-асрори бўлади.

Сен ўша эшикларнинг ҳар бирини меҳр билан очиб-ёпишга ҳаракат қил. Шунда ҳаётинг афсус-надомат билан эмас, балки меҳр-муҳаббат билан ўтади.

### ИККИ УМР

Ёшлик инсоннинг олтин даври. Олам-олам орзу умидлар билан яшайсан. Хоҳласанг олийгоҳга қирасан, хоҳласанг касб-хунар эгаллайсан. Яна бир дунё орзулар сари интилиб яшайсан. Севги-муҳаббат қалбингга ошно бўлади. Дунёда сендан-да бахтли инсон йўқ. Шу тариха ойлар, йиллар ўтаверади. Эҳсиз, ёшлик давринг қайтиб келмаслигини билганингга эди...

Мана йиллар ўтиб сочингизга оқ оралаб, юзингизга ажинлар тушиб, қаддингиз ҳам бироз букилибди. Қўзларингиз хиралашгандек. Ёшингиз олтимидан ҳам ошиб қолибди. Умрингиз бир кўз очиб-юмгудек лаҳзада ўтиб кетгандек туюлади. Хали жуда кўп нарсаса улгурмадим, дея ўтган умрингизга ачинасиз. Сиз бундан асло ранжиманг. Фарзандларингиз уйли-жойли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топибди. Сизга набиралар кўриш бахти насиб этибди. Демак, сиз умрингизнинг кексалик даврини сурмоқдасиз. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Алқисса, инсоннинг ёшлик онлари ҳам, кексалик даври ҳам қайтиб келмайди. Ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир дақиқамиз ғаниматдир. Шундай экан, бизга берилган ғанимат дамларимизни фақат эзгу мақсадлар билан ўтказайлик.

### ИККИ ҚАЛБ

Аёл нозик хилқат. Қалби гулдан-да нозик. У ўзининг нозик жуссаси билан тўққиз ой-у тўққиз кун фарзандини кўтаради. Ҳаётини хавф остида қолдириб, уни дунёга келтиради. Аёл уй-рўзгор, бола парваришидан ташқари худди эри сингари ўзи эгаллаган касб-хунари бўйича ишлайди. Ишдан қайтган, яна уй-рўзгор юмушлари унинг зиммасида. Аёлнинг жони қирқта деб шунга айтишса керакда.

Ана шундай пайтда ўйлаб қоласан киши. Аёлни нозик хилқат ёки ожиза деганлари бекор экан-да. Шундай бўлсада, аёл қалби доимо турмуш ўртоғининг тоғдек ҳимоясига, меҳр-муҳаббатига муҳтожлик ҳис этиб, унинг қаршисида бош эгади...

Эркак - оила устун. У оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандлари учун ўз жонини ҳам аямайди. Кеча-ю кундуз асло тиним билмайди. Қалбида ғайрат-шижоат, куч-қудрат жўш уради.

Эркак кишининг пок қалбида нозиклик етишмайди, шу боисдан аёлининг қалбига кириб боришга йўл излайди. Нафислик ва нафосат сари интилади.

Оила - икки қалб соҳибларининг дил ришталари орқали бунёд этилади. Икки қалб бир-бирини тушуниб яшашининг ўзи бир бахт эмасми?!

Гулсара ТИНИБЕКОВА.

## Оқдарё ижодкорлари

### ЎЗБЕГИМ ҲАРБИЙЛАРИ

Зобитларим, бийларим,  
Сиз-ла обод уйларим.  
Ўзбегим, ҳарбийларим,  
Сизга шеър уйларим.

Келсин, аёз, қаҳратон,  
Юртда тинмас тўйларим.  
Ватан мадҳи уйларим,  
Чегарада бийларим.

Байрамингиз муборак,  
Метин, қалқон бийларим.  
Кўз тегмасин юртимга,  
Посбони ҳарбийларим.

### ТЎРТЛИКЛАР

Ари умри болга тўқиндир,  
Ширин ҳаёт унга тайиндир.  
Умр бўйи тинмас меҳнатда,  
Ўғрилар ичида яшах қийиндир.

\*\*\*

У фаришта, у жуда гўзал,  
Ҳайрат ҳайрон ёқа ушлайди.  
Аммо, такаббурлик шунчаки,  
Вужудига аёз қийлайди.

\*\*\*

У безбет танкка ўхшар,  
Совуқ, зирхли бир темир.  
У безбет банкка ўхшар,  
Судхўр - гўё ғаминг ер.

\*\*\*

Ичамиз оқ ажални,  
Хурсанд бўлиб шу дамдан.  
Кун келиб шакарни ҳам,  
Олсак керак одамдан.

\*\*\*

Дўстим, ростгўй ростини,  
Ёзишдан қизиб кетди.  
Аммо ростдан дўстларим,  
Жудаям озиб кетди.

\*\*\*

Богбон аяматди тоқнинг шохини,  
Қирқар, эшитмасдан оҳини.  
Богбонлар ичида қаҳрлиси оз,  
Қайчидамас, қалбда меҳрли овоз.

\*\*\*

Қовжиради кечаги овоз,  
Умрим ундан эмас яхшироқ.  
Орзуларим бўлса ҳам порлоқ,  
Табиатнинг иши муҳимроқ.

Азим МУҲАММАДИЕВ,  
Мустақиллик маҳалласи.

**OQDARYO  
OVOZI**

**MUASSIS:**  
Xalq deputatlari  
tuman kengashi  
va tuman  
hokimligi

**BOSH  
MUHARRIR:**  
  
**YO'LCHI  
MUHAMMADIYEV**

**Mualliflarning fikr-mulohazalari tahririyat  
nuqtai-nazariga mos kelmasiligi mumkin.**  
**Gazeta viloyat Matbuot va axborot boshqarmasida 15.01.2007  
yil 09-07 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan. Nashr 5016**  
**Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar qaytarilmaydi.**  
**Gazeta bir oyda uch marta chop etiladi.**

**Musahhih:**  
**M.MUSTAFOYEVA.**

**Sahifalovchi:**  
**N.SAFINA.**

**Manzilmiz:**  
Oqdaryo tumani  
Loyish shahri Amir  
Temur ko'chasi 31-uy.  
Tel. (99866)  
492-61-88.

**Gazeta «Sherdor plyus poligraf» MCHJda  
ofset usulida 2100 nusxada bosildi.**  
**Buyurtma**  
**Manzili: Samarqand shahri, U.Tursunov**  
**ko'chasi 82 uy.**  
**Bosishga 16.00 da ruxsat berildi.**

**Sotuvda erkin narxda.**

## Турмуш чорраҳаларида

### АСРОР БОБО ФАРЗАНДЛАРИДАН НЕГА РАНЖИДИ?

Асрор бобо туман марказидан уйига қайтган, ҳовлисида тўпланиб отасини кутаётган қизларини қўриб ҳайрон бўлди. Тинчликмикан, ту-филган кунимга ҳали вақт бор эдику, деган ҳаёл ўтди.

- Ҳа, болаларим, тинчликми?  
- Тинчлик бўлганда бу ерга йигилиб келармидик, ота?, - деди тўнғич қизи Зубайда саломни ҳам унутиб. - Эшитишимизча, ҳар куни туман марказига бориб хотин излаб юрган эмишсиз. Шу ёшда уят эмасми?

Қизининг салом йўқ, алик йўқ, бу танбех бериши очиги, отага оғир ботди. Жаҳли чиқиб, газаби қайнасада, дардини ичига ютди. Қизини ҳам тушунгандай бўлди. Бечора онасини жуда яхши кўрарди-да. Ва-фот этган бўлса-да, отасини қизганади.

- Бу ёлгон гапни ким айтди, қизим?, - деди.

- Бу гапни ким айтганини аҳамияти йўқ, ота. Биз шуни билгани келдик.

- Очигини айта-ман, - деди ота унинг оғзига термулиб, нима дейишини ку-таётган икки қизи ва бир ўғлига қараб.  
- Эналаринг ўлганига неча йил бўлди?

- Уч йил бўлди, - деди иккинчи қизи Барно ерга қараб.  
- Хўш, шунча йилдан бери сен ўзинг мендан неча марта хабар ол-динг, ростини айт.

- Мен, мен... Қизининг тили айланмади.  
- Айта олмасанг, мана мен айтмай. Бор-йўғи уч марта келдинг, тўғри-ми? У ҳам бўлса фақат туғилган кунларимда келдинг. Сен-чи, Зубайда, отам қандай ўтирган экан, нима еб, нима ичаётган экан, деб келдингми? Тўғри, қянда келгандинг, унда ҳам ота, пенсиянгни бериб туринг, қайнотамнинг туғилган кунига совға олишим керак, дегандинг. Тўғри-ми?

Зубайда бошини қуйи солди.  
- Мен туман марказига бориб сенлар ўйлагандек хотин излаганим йўқ, Кутубхонадан китоб оламан, ўқиб бўлсам, яна қайтариб топшира-ман. Ҳе йўқ, бе йўқ, мени айблашга тушиб кетдиларинг, уят эмасми? Беш кунлигим борми, йўқми, бор тоганимни сенларга қолдираман. Ўйлашимни ҳаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Бунни билиб қўйинглар.  
- Ростданим, отажон, - қизлари бирварақайига шундай дейишди.  
- Ҳа, рост, болаларим.  
- Ундай бўлса, бизни кечиринг, отажон, - дея қизлари ўзларини отасининг бағрига отишди...

## “ПЕНСИЯМ КЕЛДИМИ, ҚИЗИМ?”

Бутун умр колхозда ишлаган, ёши саксондан ошган бўлсада, уйда ҳам тинч ўтирмай, ҳали рўзгор ишлари-ю, томорқадаги экин-ларга қарашиб турадиган Сар-виноз хола тўсатдан оғриб қолди. Умри давомида бирор марта укол олмаган онасини еру қўққа ишонмайдиган қизи Сабоҳат қўшни қишлоққа ке-лин бўлиб тушган бўлсада, кун-ора келиб онасининг ёнида бўлади. Онаси ёқтирган ов-қатларни тайёрлаб беради.

Лекин карантин пайтида кўча-да машина қатнамаганлиги боис Сабоҳатнинг келиб-кетиши анча қийин. Камида беш-олти қақуриб пиёда юриши керак. Бундан ташқа-ри укасининг хотинини ёқтирмайди. Азалдан уни жини суймайди. Бунинг сабаби бор эди. Укасининг никоҳ тўйида ўша келин битта никоҳ қўйлаги учун сал қолувди тўйни бузишга. Укасига салондан фалон никоҳ қўйлаб олиб бермасангиз ЗАГСга бормаيمان, деб оёқ тираб олган. Илоҳсиз қолишиб, қарз-қавола қилиб унинг шартини бахаришганди. Пулга ўч эди. Шу-шу бўлдию, қайнопа ва келин бир-бирларини ҳуш-лашмайди. Сабоҳатнинг ўз ота уйига келиши, онасини ҳолидан хабар олиши келинига малол келаеттанди.

- Эна, - деди Сабоҳат, - сизни бир неча кунга уйга олиб кетсам, нима дейсиз? Набираларингиз ҳам хурсанд бўлишади.

- Билмасам болам, сенга ортиқча юк бўламанми, дейман-да. Пенси-ямни олгандан кейин борганимда яхши бўларди-да.

- Пенсиянгни уйламанг, ўзим олиб келиб бераман.  
Шу кун Сабоҳат онасини уйига олиб келиб парвариш қила бошла-ди. Бундан келин хурсанд эди. Онасини уйига олиб кетишда укасига тайинлади.

- Энамнинг пенсиясини олиб келса, менга хабар қил, ўзим олиб кетаман, - деди. Яна келин олиб ишлатиб юбормасин, хўпми.

Ука "хўп", дегандек, бош қимирлатди.

Орадан бир неча кун ўтди. Аммо онасининг пенсиясидан дарак йўқ. Укасига телефон қилса, негадир кўтармади. Қўнгли сездди. Демак, те-лефонни укаси олмайптими, пенсия пулини келини олиб ишлатиб қўйган. Сабоҳат шу ҳаёллар оғушида укасининг уйига етиб келганини сезмай қолди.

Ҳовлида укаси картошкага сув қуяётган экан. Опасини қўриб ўнғай-сиз ахволга тушди.

- Пенсияни олдингми?  
- Опа, шу десангиз, қайнонамнинг туғилган куни эди, шунга кели-нингиз олиб ишлатиб қўйибди. Энди ўрнига ойлигимдан бераман, хафа бўлманг.

«Ҳа, берасан, олдин ҳам бир марта шундай бўлувди, ҳалигача бера-япсан», дегиси келдию, индамади. Ойлада жанжал бўлмаслиги учун индамаётганди.

Ҳозир уйига бориши билан онаси пенсиямни олиб келдингми, деб сўраши аниқ. Нима деб жавоб беради. Касал ётган онасига бор гапни айтса, хафа бўлиб қолиши турган гап. Бировдан бўлса ҳам қарз олиб онасига мана пенсия пулингиз, деб олиб бориши шарт. Шундай қилди ҳам. Йўл-йўлақай тижорат билан шуғулланадиган дўғонасидан қарз олиб уйига қайтди.

Худди ўзи ўйлагандек бўлди. Эшикдан кириши билан онаси сўра-ди:- Қизим, пенсиямни олиб келдингми?

- Ҳа, энажон, олиб келдим, мана.

Она қалтираган қўллари билан пулни оларкан, қизини дуо қилди.

- Энажон, сиз соғ бўлсангиз бўлди. Бизга бошқа нарса керак эмас, - дедию, онасини кучоқлаб йиғлаб юборди...

Йўлчи МУҲАММАДИЕВ.